

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**"РЎЙХАТГА ОЛИНДИ"**

**№ ВМ-343-53407-3.20**

**"1" июль 2003 й.**

**"ТАСДИҚЛАНДИ"**

**Ўзбекистон Республикаси**

**Олий ва ўрта махсус**

**таълим вазирлиги**

---

**"8" июль 2003 й.**

**ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ  
МОЛИЯЛАШТИРИШ ВА УНИНГ  
МОНИТОРИНГИ  
фанидан  
ДАСТУР**

**Олий таълимнинг 340000 - "Бизнес ва бошқарув"**

**таълим соҳасидаги 5340700 - "Банк иши"**

**бакалавриат йўналиши учун**

**Тошкент - 2003**

**Тузувчилар:** доц. Жўраев А.,  
к.ўқ. Маматов Б.,  
к.ўқ. Хўжамкулов Д.

**Тақризчилар:** проф. Ғозибеков Д. Ғ.,  
доц. Каримов Н. Ғ.

Ушбу дастур Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида" ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига асосан ҳамда бакалавриатуранинг 5340700 –"Банк иши" таълим йўналишлари бўйича Давлат Таълим Стандартлари талаблари доирасида тайёрланган. Дастурда фаннинг назарий, услубий ва амалий асослари ҳамда мавзулари атрофлича ёритилган. Дастур доирасида фанни ўрганиш замонавий педагогик, ўқув-услубий, илмий ва амалий технологияларга асосланади.

Дастур инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг асосий шакллари ва мониторингни олиб бориш жараёнларини ўз ичига олган бўлиб, "Банк иши" соҳаси бўйича бакалавр йўналишидаги барча мутахассисликларга мўлжалланган. Мазкур дастурда асосий эътибор инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш асосларига, инвестицион лойиҳаларини банк муассасаларида турли молиявий ресурслар ҳисобига молиялаштириш ва кредитлаш шаклларига, инвестиция лойиҳаларини баҳолашнинг янги усулларига, инвестиция лойиҳаларини амалга тадбиқ этиш бўйича қарорлар қабул қилишга, инвестицион лойиҳаларнинг ҳаётийлигини баҳолашга ва ушбу жараёнларнинг мониторингига катта эътибор берилган.

Настоящая программа подготовлена на основе Закона Республики Узбекистан "Об образовании", Национальной программы подготовки кадров и требований Государственных Образовательных Стандартов для образовательных направлений бакалавриата 5340600 – "Финансы" и 5340700 –"Банковское дело". В программе в достаточной мере освещены теоретические, методологические и практические основы и темы дисциплины. Изучение дисциплины в рамках программы основывается на современных педагогических, учебно-методических, научных и практических технологиях.

В этой программе основное внимание уделяется на основы финансирования инвестиционных проектов, формы кредитования и финансирования инвестиционных проектов за счет различных финансовых ресурсов банковских учреждений, новые методы оценки инвестиционных проектов, принимаемые решения по внедрению в практику инвестиционных проектов, оценку жизнеспособности инвестиционных проектов и их мониторинг.

Successes of economic reforms taking part in Uzbekistan is important in development to a banking-financial system, in expansion of the international economic attitudes(relations) and at introduction modern and qualitative engineering and technology in industrial branches. In these processes studying " Financings of investment projects and their monitoring " gets original a urgency. The program including the basic forms of financing of investment projects and processes realization of monitoring, is intended for all experts in a direction бакалавриата "Banking".

In this program the basic attention is given on basic financings of investment projects, forms of crediting and financing investment projects at the expense of various financial resources the bank establishments, new methods of an estimation of the investment projects, accepted decisions on introduction in practice of investment projects, an estimation of viability of investment projects and their monitoring.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2003 йил 25 апрель 9-сонли баённома).

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

## 1. СЎЗ БОШИ

Республикада амалга оширалаётган иқтисодий ислохотларнинг самарадорлигини оширишда, банк-молия тизимини ривожлантиришда, халқаро иқтисодий муносабатларни кенгайтиришда, ишлаб чиқариш тармоқларида сифатли, замонавий техника ва технологияларни қўллашда инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ўзига хос долзарблик касб этади.

### **Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари, бошқа фанлар билан ўзаро боғланиши**

"Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва уларнинг мониторинги" фанини ўқитишдан мақсад - келгусида юқори малакали иқтисодчи мутахассислар бўлиб етишадиган талабалар учун Ўзбекистон Республикаси банк ва молия тизими ҳамда унинг тузилиши хақида назарий билимлар бериш, уларда банкларнинг бозор иқтисодиётига ўтиш даврдаги кредит сиёсатини йўналишлари бўйича асосий кўникмалар ҳосил қилишдан иборат. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб фан ўз предметини ўргатиш учун қуйдаги вазифаларни кўяди:

- инвестиция лойиҳаларининг иқтисодий моҳияти ва мазмунини ўрганиш;
- инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришдаги манбаларини ўрганиш;

- инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун кредит ресурсларини тўплаш усулларини ўрганиш;
- инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда рискларнинг тақсимланиш жараёнини ўрганиш;
- инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг самарадорлигини баҳолаш жараёнини ўрганиш;
- капитал қийматини аниқлаш усулларини ўрганиш.
- инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг асосларини, тамойиллари ва усулларини ўрганиш;
- инвестиция лойиҳаларнинг иқтисодий ва молиявий самарадорлигини баҳолашни ўрганиш;
- инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда мониторинг ва уни амалга ошириш тартиблари юзасидан назарий ва амалий билимларни ўрганиш.

Мазкур фан "Банк иши" мутахассисликлари учун ўқитиладиган барча фанлар, шунингдек "Хўжалик фаолияти таҳлили", "Инвестиция лойиҳалари таҳлили" ва бошқа фанлар билан бевосита боғлиқдир.

#### **Ўқув фани бўйича билим, кўникма ва малакаларга талаблар**

Мазкур фанни ўрганиш жараёнида талабалар тегишли билим, ўқув ва кўникмаларга эга бўлишлари лозим.

Талабалар умумназарий фанлардан олган билимлари билан бир қаторда инвестиция соҳасига оид қонунчилик, инвестиция лойиҳалари экспертизадан ўтказиш тартибидаги ўзгаришлардан хабардор бўлишлари лозим.

"Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва уларнинг мониторинги" ўқув фани бўйича қўйиладиган талаблар қуйидагича:

- иқтисодиётни ривожлантиришда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг аҳамияти;
- инвестиция лойиҳаларини турли манбалар эвазига молиялаштириш тартиби;
- инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда рискларнинг тақсимланиш жараёни;
- инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг самарадорлигини баҳолаш усуллари;
- инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда мониторинг ва уни амалга ошириш тартиблари.

Талабалар мазкур ўқув фани бўйича юқорида кўрсатиб ўтилганларни билиши лозим. Шунингдек улар компьютерлардан, ахборот воситаларидан ва бошқа замонавий технологиялардан фойдаланиш асосларини ўргатувчи фанларни ҳам ўзлаштиришлари керак.

Ўқитиш жараёнида назарий билим билан амалиётни солиштириш усулларини, талабаларнинг мустақиллигини таъминловчи ўқув жараёнини, билим ва илмга бўлган қизиқишини ташкил қилиш билан бирга уларнинг мустақил билим олишига шароит яратиб бериш керак.

#### **Амалий машғулотлар бўйича бажариладиган ишлар минимал миқдorigа талаблар**

Ишчи ўқув дастурида келтирилган амалий (семинар) машғулотлар мавзулари юзасидан магистр тегишли мавзулар бўйича конспектлар олади, реферат ҳамда мустақил ишлар тайёрлайди ва амалиёт ўқитувчиси назоратида улар юзасидан оғзаки суҳбатдан ўтадилар. Ушбу талаблар амалий машғулотлар мавзуларида курсив билан кўрсатилган саволлар бўйича талабаларнинг дарс жараёнини тўлиқ ўзлаштиришларини белгилаб беради.

#### **Аудитория машғулоти турларининг соатлари ҳажми (фоизларда) бўйича тавсиялар**

Фаннинг умумий соатлар ҳажми 120 соат белгиланган. Шундан 40 соат (50% ) маъруза, 40 соат (50%) амалий машғулот, 40 соат мустақил таълимга ажратилган.

Ўқув жараёнида режага мувофиқ олдин маъруза, кейин амалий машғулот ўтказилади. Ўтилган мавзулар бўйича талабаларнинг мустақил ўрганиши учун алоҳида мавзулар бўйича уй вазифалари берилади. Талабаларнинг олган билимларини баҳолашнинг оғзаки ёки ёзма усуллари қўлланилади.

#### **Талабалар билимини баҳолаш учун ўтказиладиган назорат тадбирлари миқдори**

Ушбу фан бўйича талабаларнинг ўзлаштириш даражаси ўқув рейтинг тизими бўйича жорий, оралиқ ва якуний баҳолаш асосида аниқланади.

Фанни ўқитишнинг ҳар бир семестрида икки маротаба жорий назорат (семинар машғулотларида), икки маротаба оралиқ баҳолаш (маъруза машғулотларида) ва бир маротаба якуний баҳолаш (ёзма иш усулида) амалга оширилади. Агар фан бир неча семестр ўқитилиши кўзда тутилса, олдинги семестрлар ниҳоясида якуний баҳолаш оғзаки ёки тест усулида амалга оширилиши мумкин, охириги семестрда эса якуний баҳолаш фақат ёзма иш усулида амалга оширилади.

## **Компьютер, информацион ва бошқа замонавий ўқитиш технологияларини қўллаш**

"Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва уларнинг мониторинги" фанини ўқитишнинг компьютер, информацион ва бошқа замонавий ўқитиш технологияларининг таркибий қисмлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади.

- ўқув мақсадлари ва вазифалар каталогини ишлаб чиқиш;
- ўқув мақсадларини назорат (тест) топшириқларига кўчириш;
- тарқатувчи материаллардан, тестлар тўпламидан, слайд, компьютер дастурларидан фойдаланиш;
- режалаштирилган мақсадларнинг бажарилишини баҳолаш.

Талабаларга замонавий усулда фанни ўргатиш, уларнинг мустақил билим олишига шароит яратиш, ҳамда олган билимини мустақил равишда баҳолаш учун қуйидагилардан фойдаланилади;

- талабаларни олдиндан тарқатма материаллар билан таъминлашга эришиш;
- талабаларга ўз билимини ўзи баҳолаш учун шароитни яратиб бериш;
- талабаларнинг билимини таянч иборалари асосида баҳолашни жорий қилиш;
- талабаларни кичик гуруҳларга бўлиб ўқитувчилар раҳбарлигида мустақил билим олишга ўргатиш ва ҳ.к.

Бу фанни ўқитишда инвестиция соҳасига тегишли қонунлар, ҳукумат қарорлари, инвестиция дастури, низомлар ва инвестиция лойиҳаларини баҳолашнинг ЮНИДО дастуридан, янги компьютер технологияларидан, тарқатмачи материаллардан, тестлар тўпламидан ҳам фойдаланиш мумкин.

### **Фанни ўқитишга услубий кўрсатмалар**

Мазкур фан "Банк иши" бакалавриат таълим йўналиши бўйича таълим олаётган талабаларга биринчи семестрда ўтилиши мўлжалланган. Бу фанни ўқитишда инвестиция фаолиятига тегишли қонунлар, ҳукумат қарорлари, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ҳамда уларнинг мониторинги билан боғлиқ бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек компьютер дастурларидан, сайдлардан фойдаланиш лозим.

"Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва уларнинг мониторинги" фани маъруза ва амалий машғулот шаклида аудиторияда ўргатилади. Талабаларнинг ўқув жараёнида аудиторияда олган билимлари ўқитувчилар ҳамда белгиланган ҳайъат аъзолари томонидан рейтинг усулида баҳоланади.

## **2. ФАН ДАСТУРИ**

**"Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва уларнинг мониторинги" фани бўйича ўқиладиган маърузалар мавзулари**

### **Фаннинг предмети ва мазмуни**

"Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва уларнинг мониторинги" фанининг предмети ва вазифалари. Фаннинг таркибий тузилиши ва бошқа фанлар билан боғлиқлиги.

### **Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг моҳияти ва аҳамияти**

*Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг иқтисодий мазмуни ва тамойиллари.* Иқтисодий ривожлантиришда инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг аҳамияти. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг асосий босқичлари.

### **Инвестиция лойиҳаларининг ҳаётий аҳамиятлилигини баҳолаш**

*Инвестиция лойиҳаларини экспертизаси.* Инвестиция лойиҳаларининг даромадлилигини баҳолаш. Ноаниқ омиллар мавжуд бўлган ва ресурслар чекланган шароитда капиталнинг қиймати. Узоқ муддатли қарзларнинг қиймати.

### **Инвестиция лойиҳалари бўйича қарорлар қабул қилиш**

Инвестиция лойиҳаларининг вариантларини ишлаб чиқиш. *Муқобил инвестиция лойиҳаларини таққослаш ва оптимал вариантини танлаш.* Инвестицияларни бир неча лойиҳалар бўйича таксимотини оптималлаштириш.

### **Инвестиция стратегияларини ишлаб чиқиш ва шакллантириш**

Инвестиция стратегияларини ишлаб чиқиш тамойиллари. *Инвестиция фаолиятида стратегик йўналишларни ишлаб чиқиш.* Инвестиция стратегияларини шакллантириш.

### **Реал инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини баҳолаш ва асослаш**

*Инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асослашларини ишлаб чиқиш.* Реал инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолаш усуллари. Асосий молиявий коэффициентлар. Инвесторларнинг фаолиятининг самарадорлигини аниқлаш кўрсаткичлари.

## **Капиталнинг таркиби ва баҳолаш таҳлили**

*Капитал таркибининг назарий асослари.* Капитал қийматини баҳолаш. Капитални асосий лойиҳалаштиришнинг баҳоси. Левирдж ва унинг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришдаги аҳамияти.

### **Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш усуллари ва манбалари**

Молиялаштиришнинг анъанавий усуллари. Узоқ муддатли молиялаштиришнинг янги усуллари. Инвесторга акциядор капиталнинг бир қисмини бериш орқали молиялаштириш. Инвестиция лойиҳаларини қарз ва жалб қилинган маблағлар эвазига молиялаштириш. Акциядорларнинг қимматли қоғозларини муомалага чиқариш. Молиялаштириш усулларини танлаш. *Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг асосий манбалари.* Хорижий инвестицияларни молиялаштириш манбалари. Ҳамкорликда молиялаштириш.

### **Молиявий ресурслар чекланган ва инфляция шароитида капитал бюджети**

Соф жорий қийматнинг аҳамияти. Капитал бюджети бўйича қарор қабул қилиш. *Инвестициялаш имкониятлари ва капитални муқобил ишлатиш.* Молиявий ресурсларни ташқи ва ички лимитлаш. Молиявий ресурсларнинг чекланганлиги ва улардаги рисклар. Реал пул оқими. Дисконтнинг номинал ва реал ставкалари. Реал даромад ва инфляция даражаси.

### **Қарз маблағларини жалб этиш ҳисобига инвестиция лойиҳаларини узоқ муддатга молиялаштириш**

Узоқ муддатли қарзларнинг турлари (облигациялар ва х.к.). *Қарз маблағларини жалб этиш эвазига молиялаштиришнинг афзалликлари ва камчиликлари.* Банкларда кредитларни қайтариш, фоиз тўловлари ва уларни тўлашни баҳолаш усуллари. Кредитлашдаги рисклар. Кредит рискларини суғурталаш. Хорижий банклар кредит тармоқлари орқали инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш.

### **Халқаро инвестицияларни молиялаштириш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш**

Хорижий инвестицияларни ҳимоя қилиш механизми, ҳуқуқий асослари, кафолат ва имтиёзлар. *Халқаро инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини баҳолашнинг умумий тамойиллари.* Лойиҳаларнинг самарадорлигини баҳолаш усуллари. Халқаро инвестициялашда рисклар, рискларни суғурталаш. Хорижий ҳамкорларнинг чет эл валюта ҳисоб-рақамларидан молиялаштириш тартиби. Лойиҳаларни ҳамкорликда молиялаштиришнинг аҳамияти.



### **Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш тизимида лизинг**

*Лизинг асосида инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришни ташкил этиши.* Лизинг муносабатларнинг объекти ва субъектлари. Лизинг асосида молиялаштириладиган лойиҳаларнинг даромадлилигини баҳолаш.

### **Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда рискларни бошқариш ва баҳолаш**

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришдаги рисклар, уларни бошқариш ва баҳолаш. *Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда мавжуд рискларни пасайтириш чора-тадбирлари.* Инвестиция лойиҳаларини турли рисклардан ҳимоя қилиш механизмлари.

### **Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш мониторинги**

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда мониторингнинг моҳияти. Мониторингни ўтказиш мақсади ва аҳамияти. *Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда мониторингни ташкил этиши, унинг шакллари ва ўтказиш босқичлари.* Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг турли босқичларида мониторинг ва уларни амалга ошириш усуллари.

### **Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш жараёнининг турли босқичларида мониторинг**

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришни амалга оширгунга қадар ўтказиладиган мониторинг. Кредит такдим этишнинг мақсадлилиги тўғрисида хулосалар. *Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда жорий мониторинг.* Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда муаммоли кредитлар мониторинги.

## **3. АМАЛИЙ (СЕМИНАР) МАШҒУЛОТЛАРНИНГ МАВЗУЛАРИ**

### **Курснинг предмети ва мазмуни**

"Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва уларнинг мониторинги" фанининг предмети ва вазифалари. Фаннинг таркибий тузилиши ва бошқа фанлар билан боғлиқлиги.

### **Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг моҳияти ва аҳамияти**

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг иқтисодий мазмуни ва тамойиллари\*. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг асосий босқичлари.

### **Инвестиция лойиҳаларининг ҳаётий аҳамиятлилигини баҳолаш**

Инвестиция лойиҳаларини экспертизаси. Инвестиция лойиҳаларининг даромадлилигини баҳолаш\*. Ноаниқ омиллар мавжуд бўлган ва ресурслар чекланган шароитда капиталнинг қиймати. Узоқ муддатли қарзларнинг қиймати.

### **Инвестиция лойиҳалари бўйича қарорлар қабул қилиш**

Инвестиция лойиҳаларининг вариантларини ишлаб чиқиш. Муқобил инвестиция лойиҳаларини таққослаш ва оптимал вариантини танлаш. Инвестицияларни бир неча лойиҳалар бўйича тақсимотини оптималлаштириш\*.

### **Инвестиция стратегияларини ишлаб чиқиш ва шакллантириш**

Инвестиция стратегияларини ишлаб чиқиш тамойиллари\*. Инвестиция фаолиятида стратегик йўналишларни ишлаб чиқиш. Инвестиция стратегияларини шакллантириш.

### **Реал инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини баҳолаш ва асослаш**

Инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асослашларини ишлаб чиқиш. Реал инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолаш усуллари\*. Асосий молиявий коэффициентлар. Инвесторларнинг фаолиятининг самарадорлигини аниқлаш кўрсаткичлари.

### **Капиталнинг таркиби ва баҳолаш таҳлили**

Капитал таркибининг назарий асослари. Капитал қийматини баҳолаш\*. Капитални асосий лойиҳалаштиришнинг баҳоси. Левирдж ва унинг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришдаги аҳамияти.

### **Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш усуллари ва манбалари**

Молиялаштиришнинг анъанавий усуллари. Узоқ муддатли молиялаштиришнинг янги усуллари. Инвесторга акциядор капиталининг бир қисмини бериш орқали молиялаштириш. Инвестиция лойиҳаларини қарз ва жалб қилинган маблағлар эвазига молиялаштириш\*. Акциядорларнинг қимматли қоғозларини муомалага чиқариш. Молиялаштириш усулларини танлаш. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг асосий манбалари. Хорижий инвестицияларни молиялаштириш манбалари.

### **Молиявий ресурслар чекланган ва инфляция шароитида капитал бюджети**

Соф жорий қийматнинг аҳамияти. Капитал бюджети бўйича қарор қабул қилиш\*. Инвестициялаш имкониятлари ва капитални муқобил ишлатиш. Молиявий ресурсларни ташқи ва ички лимитлаш. Молиявий ресурсларнинг чекланганлиги ва улардаги рисклар. Реал пул оқими. Дисконтнинг номинал ва реал ставкалари. Реал даромад ва инфляция даражаси.

#### **Қарз маблағларини жалб этиш ҳисобига инвестиция лойиҳаларини узоқ муддатга молиялаштириш**

Узоқ муддатли қарзларнинг турлари (облигациялар ва х.к.). Қарз маблағларини жалб этиш эвазига молиялаштиришнинг афзалликлари ва камчиликлари. Банкларда кредитларни қайтариш, фоиз тўловлари ва уларни тўлашни баҳолаш усуллари. Кредитлашдаги рисклар. Кредит рискларини суғурталаш. Хорижий банклар кредит тармоқлари орқали инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш\*.

#### **Халқаро инвестицияларни молиялаштириш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш**

Хорижий инвестицияларни ҳимоя қилиш механизми, ҳуқуқий асослари, кафолат ва имтиёзлар. Ҳалқаро инвестиция лойиҳаларини самарадорлигини баҳолашнинг умумий тамойиллари\*. Лойиҳаларни самарадорлигини баҳолаш усуллари. Ҳалқаро инвестициялашда рисклар, рискларни суғурталаш. Хорижий ҳамкорларнинг чет эл валюта ҳисоб-рақамларидан молиялаштириш тартиби. Лойиҳаларни ҳамкорликда молиялаштиришнинг аҳамияти.

#### **Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш тизимида лизинг**

Лизинг асосида инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришни ташкил этиш. Лизинг муносабатларининг объекти ва субъектлари. Лизинг асосида молиялаштириладиган лойиҳаларнинг даромадлилигини баҳолаш\*.

#### **Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда рискларни бошқариш ва баҳолаш**

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришдаги рисклар, уларни бошқариш ва баҳолаш\*. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда мавжуд рискларни пасайтириш чора-тадбирлари. Инвестиция лойиҳаларини турли рисклардан ҳимоя қилиш механизмлари.

#### **Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш мониторинги**

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда мониторингнинг моҳияти. Мониторингни ўтказиш мақсади ва аҳамияти. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда мониторингни ташкил этиш, унинг шакллари ва ўтказиш

босқичлари. Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг турли босқичларида мониторинг ва уларни амалга ошириш усуллари\*.

#### **Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш жараёнининг турли босқичларида мониторинг**

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришни амалга оширгунга қадар ўтказиладиган мониторинг. Кредит тақдим этишнинг мақсадлилиги тўғрисида хулосалар. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда жорий мониторинг. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда муаммоли кредитлар мониторинги\*.

#### **4. ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА-НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, ЎҚУВ ФИЛЬМЛАРИ ВА БОШҚА ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАР РЎЙХАТИ**

Ўқув жараёнини ташкил этишда мавзуларни кўрагазмали воситалардан, слайдлар, диапроектор ва жадваллардан фойдаланиш асосида ўрганиш кўзда тутилган. Айрим аниқ масалаларни ўрганишда шахсий компьютерлардан фойдаланиш тавсия этилади.

"Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва уларнинг мониторинги" фанини ўрганишда талабалар амалий ёрдам тариқасида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш тартибини ўрганиш бўйича чизмалар, слайдлар билан таъминланади.

Талабалар "Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва уларнинг мониторинги" фанини ўрганишда турли хил ахборот воситаларидан, жумладан Интернет тизимидаги қуйидаги сайт ва электрон почталардан ҳам кенг фойдаланишлари мумкин:

1. <http://www.eib.org/>
2. <http://www.miga.org/>
3. <http://www.ftib.gov/>
4. <http://www.worldbank.org/icsid/>
5. <http://www.bankofamerica.com/investments/>
6. <http://www.calvertfoundation.org/>
7. <http://www.optionetics.com/>
8. <http://invest-faq.com/>
9. <http://www.oakinv.com/>
10. <http://www.hondurasinfo.hn/>
11. <http://farmbill.farmbill.unl.edu/>
12. <http://www.eagleinvsys.com/>

13. <http://www.Apexvc.com/>
14. <http://www.wisebuy.co.uk/>
15. <http://www.bimk.kiev.ua/>
16. <http://tininfo.bigural.ru/>
17. <http://www.bashkortostan.ru/>
18. <http://econsultant.ru/>
19. <http://megapolis.kharkov.ua/>
20. <http://www.rada.kiev.ua/>
21. <http://alyona.nns.ru/>
22. <http://www.samara.ru/>
23. <http://www.vestona.ru/>
24. <http://www.officemart.ru/>
25. <http://www.chtivo.ru/>
26. <http://bdg.preess.net.by/>
27. <http://koi.www.auver.ru/>
28. <http://exlibris.ng.ru/>
29. <http://www.bizbook.ru/>
30. <http://www.finam.ru/>
31. <http://www.newbook.ru/>
32. <http://users.i.com.ua/-finguide/>
33. <http://www.alfashop.chat.ru/Prise.txt/>
34. Сайт [finance.city.nsk.su](http://finance.city.nsk.su)

Шунингдек, Хорижий инвестициялар бўйича Агентлик, ТИФ МБ ва бошқа тижорат банклари, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, суғурта компанияларининг амалий материалларидан ҳамда Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Тошкент Молия институтида тайёрланган ўқув фильмлар, дидактик материаллар ва мультимедик иловалардан фойдаланиш тавсия этилади.

## **5. ЎЗЛАШТИРИШ НАЗОРАТИ**

Мазкур фан бўйича ўқув режасида жами 40 соат белгиланган бўлиб, шундан 20 соат (50%) маъруза ва 20 соат (50%) амалий машғулотга ажратилган.

Талабаларни фан бўйича ўзлаштиришларини баҳолаш семестр давомида мунтазам равишда олиб борилади ва куйидаги турлар орқали амалга оширилади; жорий баҳолаш, оралиқ баҳолаш ва якуний баҳолаш. Жорий ва оралиқ баҳолаш турига ажратилган баллар миқдори ўқув режасида фанга ажратилган соатнинг 70 фоизи, якуний баҳолаш эса 30 фоиз миқдорида белгиланган.

"Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва уларнинг мониторинги" фанидан талаба тўплаши мумкин бўлган максимал балл 40 га тенг бўлиб, шундан жорий баҳолашга 14 балл, оралиқ баҳолашга 14 ва якуний баҳолашга эса 12 балл ажратилади. Жорий ва оралиқ баҳолаш турларига белгиланган баллар қуйидаги ҳолатларда қўйилади:

- талабанинг ўқув жараёнидаги давомати ва фаоллиги;
- амалий (семинар) машғулотларга тайёргарлик даражаси;
- долзарб мавзулар бўйича рефератлар ёзиши;
- мустақил таълим учун берилган назорат ишларини бажариши;
- фан бўйича кўргазмаларни қўйишлари.

Таянч тушунчаларига асосланган "Ёзма иш" усулини ўтказиш тартиби "Рейтинг тизимини якуний баҳолаш босқичида "Ёзма иш" усулини тадбиқ этиш бўйича Намунавий Низом" билан белгиланади.

## **6. АДАБИЁТЛАР**

### **Асосий адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг "Инвестиция фаолияти тўғрисида" ги Қонуни, 1998. 24 декабр, Халқ сўзи, 1999. 12 январ. 7-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Хорижий инвестициялар тўғрисида" ги Қонуни, Халқ сўзи, 1998 й., 20 май. 2-бет.
3. Ўзбекистон Республикасининг "Хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чора-тадбирлари ва унинг кафолатлари тўғрисида" ги Қонуни, Халқ сўзи, 1998 й., 21 май. 2-бет.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1995.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI асрга интилмоқда: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997 й.
6. Каримов И.А. 2001 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислохотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилги вазифаларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида сўзлаган нутқи. Халқ сўзи, 2002 й., 15 февраль.
7. Ахелл Зелль Инвестиции и финансирование, планирование и оценка проектов. Пер. с нем. –М., 1996.
8. Беренс В, Хавранек П.М. Руководство по оценке эффективности инвестиций. Пер с англ. перераб. и дополн. –М.: Интер эксперт, ИНФРА-М, 1995.

9. Бизнес-план инвестиционного проекта. Практическое пособие (Под ред. Иванниковой И.А.) -М: Экспертное бюро, 1997.
10. Бизнес-план инвестиционного проекта: Отчественный и зарубежный опыт. Современная практика и документация: Учебное пособие/Под ред В.М. Попова - 4-е изд, перераб и доп. –М.: Финансы и статистика, 1997.
11. Банковское дело и финансирование инвестиций том 1, том 2. под ред. Н Брука (Всемирный Банк Реконструкции и Развития). В четырех частях. Институт Экономического развития Всемирного Банка, 1995.
12. Котлер Ф. Основы маркетинга Пер. с нем. –М., 1996.
13. Ковалев В.В. Методы оценки инвестиционных проектов -М.: Финансы и статистика, 1998.
14. Курс экономики: Учебник / Под ред. Б.А. Райзберга. -М.: ИНФРА-М, 1997.
15. Липсиц И.В. Коссов В.В. Инвестиционный проект: методы подготовки и анализа. -М.: БЕК, 1996.
16. Гулямов С. Проектный анализ. –Т., 1998.
17. Теория и практика антикризисного управления/Под ред. С.Г. Беляева, В.И. Кошкина. -М.: Закон и право, ЮНИТИ, 1996.
18. Финансовый анализ: Управление капиталом. Выбор инвестиций. Анализ отчетности. - М.: Финансы и статистика, 1996.

#### **Қўшимча адабиётлар**

1. Резюме руководящих принципов для консультативных фирм, привлекаемых ЮНИДО для подготовки предварительных исследований и технико-экономических обоснований. Программа ООН по промышленному развитию, подготовлено Сектором технико-экономических обоснований, Службой инвестирования, Отделом содействия инвестированию и использованию технологий. Март 1994 года.
2. Брейли Р., Майерс С. Принципы корпоративных финансов - М.: Олимп-бизнес, 1997.
3. Буров В.П. Галь В.В. Казаков А.П, Морошкин В.А. Бизнес-план инновационного проекта методика составления. Методическое пособие - М: ЦИПККАП, 1997.
4. Богуславский М.М. Иностраные инвестиции: правовое регулирование. -М.: БЕК, 1996.
5. Гитман Л. Дж, Джонк М.Д. Основы инвестирования. Пер. с англ. –М.: Дело, 1997.

6. Управление инвестиционным проектом. Опыт IBM. Пер с англ. -М: ИНФРА-М, 1995.
7. Конкуренция и управление рисками на предприятиях в условиях рынка. -М.: Аланс, 1997.
8. Финансы и управление предприятием / Под ред. А.М. Ковалевой. -М.: Финансы и статистика, 1995.
9. Шим Джей К., Сигел Джоел Г. Финансовый менеджмент / Пер. с англ. -М.: Информационно-издательский дом Филинь, 1996.
10. Финансовый менеджмент: теория и практика: Учебник/под ред. Е.С. Стояновой. -М.: Перспектива, 1996.
11. Инвестиционно-финансовый портфель/Отв. ред. Рубин Ю.Б., Солдаткин В. И. -М: Сомин ТЭК, 1993.

Одинцов Б.Е. Проектирование экономических экспертных систем. - М.: ЮНИТИ, 1996.